ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ



Такрорий муддатда ширин қалампир етиштириш бўйича ТАВСИЯНОМА

Тошкент – 2026 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори
_____ Б.А.Иброҳимов
«__4__» _сентября_ 2026 йил

Такрорий муддатда ширин қалампир етиштириш бўйича ТАВСИЯНОМА

Тошкент – 2026 й.

Ушбу тавсия Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 2026 йил 4 сентябрдаги (№15-сон) Илмий кенгаш йиғилишида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия этилган.

Ушбу тавсияномада ширин қалампир етиштириш бўйича парваришлаш технологияси баён қилинган бўлиб, қишлоқ хўжалик мутаҳассислари, деҳқон, фермер хўжаликлари, томорқа ер эгаларига мўлжалланган.

Тузувчи:

Ф.Ф.Расулов - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий котиби, қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим.

Тақризчи:

Ш.Р.Арипова - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тақдиқот институти лаборатория мудири, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим.

М.М.Мирзасолиев - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тақдиқот институти лаборатория мудири, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, 2026 йил.

Кириш. Сўнгги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, сабзавотчилик қишлоқ хўлажалиги тармоғининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-22-сонли “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш» йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармонида - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ҳозирги 40 миллиарддан 2030 йилгача 60 миллиард долларга етказиш бўйича ислоҳотларни бошлаш бунда Интенсив сабзавот майдони 80 минг гектарга кенгайтирилиб, ушбу майдонларда ҳосилдорлик бўйича 400 - 450 с/га эришиш муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда сабзавот экинлари орасида экин майдони ва ишлаб чиқариш хажми жихатидан тобора ошириб бораётган экинлардан бири бу булғор қалампир экинидир.

Бу ўсимлик озиқалиги жиҳатидан қимматбаҳо экиндир. Булғор қалампир меваси витаминлар, минерал тузлар ва қуруқ моддага бой. Уни меваси аскорбин кислота (витамин С) ҳосил қилиши жиҳатидан барча сабзавотлардан устун туради. Ширин калампир меваси сабзавот сифатида янги узилган, тузланган, зираворлаб сиркаланган, консерва килинган ва димлаб пиширилган холда истъемол килинади. Булғор қалампирни очиқ майдонда асосий ва такрорий муддатда ҳамда иссиқхонларда етиштириш мумкин. Бу борада мамлакатимиз илм-фани ва ишлаб чиқаришида катта тажриба мавжуд.

Ушбу қўлланмадан мамлакатимиз дехқон, фермер, томорқа хўжаликлари ва агрокластерларда Булғор қалампир (кейинги ўринда ширин қалампир) экинидан юқори ҳосил олишда нималар эътибор қаратиш лозимлиги, агротехник тадбирларни ташкил этиш ва ўсимликни касаллик ва зараркунандаларда самарали ҳимоя қилиш каби саволларга жавоб топиш мумкин.

ШИРИН ҚАЛАМПИР ҲУСУСИЯТЛАРИ

Ширин қалампир меваси витаминлар, минерал тузлар ва қуруқ моддага бой. Уни меваси аскорбин кислота (витамин С) ҳосил қилиши жиҳатидан барча сабзавотлардан устун туради. Меваси техник етилган даврда 100 г ҳосил массаси таркибида 54-118 мг%, тўлиқ биологик етилганда эса 368-535 мг% гача аскорбин кислотаси бўлади. С витаминидан ташқари А (каротин) – 4,60 мг, B_1 (тиамин) – 0,06 мг, B_2 (рибофлавин) – 0,01 мг витаминлари хам мавжуд.

Ушбу экин меваси таркиби 85,5-91,0% сув, 14,4% қуруқ модда, 1,3-1,5% оқсил, 5,4-5,7% углеводлар, 1,4-1,8% клетчатка сингари моддалар мавжуд. Ширин қалампир меваси турли кўринишдаги минералларга хам жуда бой бўлиб, унинг 100 мг хўл мева таркибида кул элементларининг миқдор 0,7%, натрий 19%, калий 163%, калций 8%, магний 11%, фосфор 16% ни ташкил этади. Ширин қалампирда 0,01-0,15 фоиз капсаицин алкалоиди бўлиб, унга ўткир таъм, маза бағишлайди. Шунингдек, тиамин ҳам мевада кўп миқдорда учрайди.

Поливитамин маҳсулот сифатида цинга, камқонлик, камқувватлилик, гипо- ва авитаминозда яхши самара беради. Таркибидаги С витамини ва каротин организмни юқумли касалликларга ҳимоя реакциясини кучайтиради, ошқозон-ичак трактидаги нохушликларни бартараф этади. Қалампир қон айланишдаги бузилишларни бартараф этадиган табиий дори воситаси – у қон қуюлишини олдини олади, капиллярларни мустаҳкамлайди, тромбофлевит, анемия, бурундан қон кетишини, қон томирларини зарарлайдиган юқумли касалликларни (ревматизм, туберкулез) олдини олади. Бундан ташқари, у жигар ва ўт пуфаги ишини яхшилайди, овқат ҳазм қилиш тизимига даволовчи сифатида таъсир этади. Қорин оғриғида, дамлаганда, метеоризмда яхши ёрдам беради, оғиз бўшлиғини дизенфекция қилади. У қондан холестеринни чиқариб юборишга ҳам ёрдам беради. Ширин қалампир шарбати соч ва тирноқларни мустаҳкамлайди, ёғ безларининг ишини яхшилайди, сабзи шарбати билан қўшиб ишлатганда терини пигментли доғлардан тозалайди ва ажинларни текислашга ёрдам беради.

ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ерни экишга тайёрлаш

Ширин қалампир экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланиб, ҳосилдан бўшаган майдондаги йирик ўсимликлар қолдиқларини New Holland T7060 (213 о.к.), New Holland T6070 (140 о.к), МТЗ-80,1, ТТЗ-80.10 русумлик тракторига осилган СИ-1,8 билан майдалаб сочиш, сўнг тракторга РОУ-6 русумли маҳаллий ўғит сочғич ёрдамида гўнг сочиб чиқилади. Берилиши лозим бўлган маданий ўғитлар миқдорини бир қисми

трактoрга осилган РМУ-0,75 мосламада сочиб чиқилиб, кейин майдон 28-35 см чуқурликда ҳайдалади. Экишга тайёрлашни кейинги тадбирлари экишдан олдин бажарилиб, майдонлар 14-16 см чуқурликда чизеллаб чиқилади ва мола босилади. Молалашдан кейин трактoрга культиваторлар билан нишабли майдонларга 70 см қатор оралиғида, текис ер ости суви яқин бўлган майдонларга эса 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Нав танлаш

Ўзбекистон шароитида ширин қалампирдан юқори сифатли ҳосил олиш учун нав ва дурагйларни тўғри танлаш, мўл ҳосил етиштириш гаровидир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига ширин қалампирни маҳаллий 8 та нави киритилган, қуйда ушу навларнинг таснифи келтирилган.

Очиқ майдонга экишга тавсия этилган навлар

Заря Востока. Ўрта-эртапишар нав, техник пишгунига қадар ўсув даври 116-120 кун. Тупи ихчам, паст бўйли 44-52 см. Меваси конуссимон, юзаси текис, кам сезилувчан қабариқли, вазни 64-70 г, техник етилганда қаймоқ ранг, биологик етилганда қизил, эти серсув, қалинлиги 5,0 мм, дегустацион баҳоси 5,0 балл. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Рўзғорда ишлатишга ва қайта ишлашга яроқли, иссиққа чидамли.

Дар Ташкента. Ўртапишар нав, ўсув даври: техник пишгунча 120-125 кун, биологик пишгунича 140-145 кун. Тупи штамбли, сербарг. Меваси конуссимон, ўртача, вазни 110-115 г, техник етилганда сарғиш, биологик етилганда қизил, юзаси нотекис, бироз қабариқли, айрим жойлари ботган, эти серсув, дегустацион баҳоси 4,5 балл. Ҳосилдорлиги 40-45 т/га. Турли мақсадларда ишлатишга яроқли, иссиққа чидамли.

Тонг. Ўртапишар нав, техник пишгунига қадар ўсув даври 128 кун. Тупи йиғиқ, ўртача хажмда, узунлиги 50 см, барги ўртача, тўқ яшил. Меваси пирамидасимон, ўртача, юзаси силлиқ, бироз қабариқли, айрим жойлари ботган, техник пишганда оч яшил, биологик пишганда оч қизил, узунлиги 6,5 см, эни 4,3 см, вазни 45 г, ширин, дегустацион баҳоси 4,7 балл. Ҳосилдорлиги 25 т/га.

Зумрад. Кечпишар нав, ўсув даври 130 кун. Тупи штамбли, ихчам, сербарг. Меваси призмасимон, бироз пигментлашган, йирик, вазни 150 г, юзаси текис, ўйикли, индекси 1,2, техник етилганда тўқ яшил, биологик етилганда қизил, эти қалинлиги 6,5-8,5 мм, дегустацион баҳоси 4,5 балл. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Қайта ишлаш учун яроқли, иссиққа чидамли.

Наргиза. Эртапишар нав, техник пишгунига қадар ўсув даври 110-120 кун. Тупи штамбли, ўрта бўйли 45-55 см, ихчам, яъни новдалари ён томонга ётиб қолмайди, барг билан яхши қопланади. Мева вазни: техник етилганда- 50-60 г, биологик етилганда 85-100 г. Эти қалинлиги: техник етилганда 4,0-4,5 мм, биологик етилганда 5,0-5,5 мм. Мева ранги: техник етилганда оч лимон ранг, биологик етилганда тиниқ қизил ранг. Ҳосилдорлиги 50-60 т/га.

Сабо. Эртапишар нав, техник пишгунига қадар ўсув даври 110-120 кун. Тупи штамбли, ўрта бўйли 45-50 см, ихчам, яъни новдалари ён томонга ётиб қолмайди. Мева вазни: техник етилганда 55-60 г, биологик етилганда 75-90 г. Мева ранги: техник етилганда оч сарғиш ранг, биологик етилганда тўқ лимон ранг. Ҳосилдорлиги 50-60 т/га.

Шодлик. Эртапишар нав, техник пишгунига қадар ўсув даври 100-110 кун. Тупи штамбли, ўрта бўйли 50-55 см, ихчам. Мевалари ўртача катталикда, конуссимон шаклда, ранги тўқ қизил эти қалин, мева юзи силлиқ, вазни техник етилганда 50-55г, биологик етилганда 65-70г. Ҳосилдорлиги 29-30 т/га.

Маржона. Эрта-ўртапишар нав, ўрта бўйили 42-45 см, , техник пишгунига қадар ўсув даври 100-105 кун. Мевалари пастга қараган, призмасимон шаклда, ўртача катталикда, ранги тўқ қизил эти ўртача қалинликда, мева юзи силлиқ, вазни техник етилганда 60-70 г, биологик етилганда 75-85г. Ҳосилдорлиги - 34,8 т/га. Мева таркибида қуруқ модда 8,6 % Қанд, 4,2% Витамин С, 125,2 мг.% Дегустацион бахоси, 4,5 балл.

Фламинго F_1. Франция давлатининг «Клоз» уруғчилик компаниясининг дурагайи. Эртапишар. Венгер типидаги ширин калампир. Тупи йирик, ўртача катталикда, узунлиги 8х12 см, барги ўртача катталикда, ранги оч яшил, пишганда ранги қизил. Мева вазни 145 гр, таъми 5,0 балл. Ҳосилдор, меваси янгилигича истеъмол килишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли, аъло даражада таъмга эга, транспортда ташишга қулай ва фермер хўжаликларида экишга тавсия этилади. Ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 18,5 т/га ни ташкил этган.

Джемини F_1. Ўрта-кечпишар. Тупи йирик, ўртача катталикда, узунлиги 45-50 см, барги ўртача катталикда. Мева шакли узунчоқ, ўртача катталикда, техник пишганда ранги яшилдан тўқ қизил рангга ўтиб пишади. Мева юзаси силлиқ. Узунлиги ўртача 7-8-9-10 см, қалинлиги 6.8 см. Мева вазни 250 г, таъми 4,5 балл. Мева таркибида витамин С 86.2%, нитратлар 120 мг/кг, қуруқ модда 6.8%, қанд миқдори 2.6%. Янгилигича истеъмол қилишга мўлжалланган, касалликларга чидамли, транспортда ташишга қулай ва фермер хўжаликларида экишга тавсия этилади. Ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 50,0 т/га ни ташкил

этган.

Рейна F_1. Голландия давлатининг «Нунемс» фирмасининг дурагайи.

Эртапишар. Тупи йирик, ўртача катталикда, узунлиги 45-50 см, барги ўртача катталикда. Мева шакли кубиксимон-чузиқ, 3-4 та камерали, ўртача катталикда, ранги тўқ қизил, эти қалин. Мева юзаси силлиқ. Узунлиги ўртача 7-8-9-10 см, қалинлиги 6.8 см, Мева вазни 200 гр, таьми 4,5 балл. Ўсув даври 79 кун. Мева таркибида витамин С 18.3%, нитратлар 110мг/кг, қуруқ модда 6.0%, канд миқдори 3.1%. Юқори ҳосилдор, янгилигича истеьмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли, транспортда ташишга қулай. Ушбу дурагай очиқ далада ҳамда иссиқхоналарда экишга тавсия этилади. Ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 52.0 т/га ни ташкил этган.

Дерби F_1. Голландия давлатининг «Де Рейтер Сиде» фирмасининг дурагайи. Ўртапишар. Мевалари ўзига хос кремли рангга эга, пишганда ранги қизил, кубиксимон шаклда, эти қалин. Мева юзаси силлиқ. Мева вазни 157 гр, таьми 5 балл. Усув даври 97 кун. Янгилигича истеьмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли. Ушбу дурагай очиқ далада хамда иссиқхоналарда экишга тавсия этилади. Ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 29.8 т/га ни ташкил этган.

Челси F_1. Голландия давлатининг «Де Рейтер Сиде» фирмасининг дурагайи. Ўртапишар. Мевалари пишганда ранги қизил, кубиксимон шаклда, эти қалин. Мева юзаси силлиқ. Мева вазни 146 гр, таьми 5 балл. Ўсув даври 104 кун. Янгилигича истеьмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган, касалликларга чидамли. Ушбу дурагай очиқ далада хамда иссиқхоналарда экишга тавсия этилади. Ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 31.8 т/га ни ташкил этган.

Геркулес F_1. Франция давлатининг «Клоз» уруғчилик компаниясининг дурагайи. Кечпишар. Мевалари йирик, кубиксимон, ранги қизил, эти қалин. Мева юзаси силлиқ. Мева вазни 114 гр, таьми 4.7 балл. Ўсув даври 112 кун. Янгилигича истеьмол килишга ва кайта ишлашга мулжалланган, касалликларга чидамли. Ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 48.2 т/га ни ташкил этган.

Джипси F1. Эртапишар. Мевалари йирик, цлиндрсимон шаклда, етилгандан кейин оч сариқ рангдан қизил рангга ўтади, эти қалин. Мева юзаси силлиқ. Мева вазни 120 г, таьми 4.4 балл. Ўсув даври 82 кун. Мева таркиби, витамин С 141.6 %, нитратлар 100 мг/кг, қуруқ модда 9.8 %, қанд миқдори 5.2 %. Қайта ишлаш ва янгилигича истеьмол қилишга мўлжалланган, касалликларга чидамли. Ушбу дурагай очиқ далада ва иссиқхоналарда экишга тавсия этилади. Ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 45.0 т/га ни ташкил этган.

Кўчат етиштириш

Такрорий муддат учун ширин қалампир уруғини экишнинг мақбул муддати апрелнинг III ўн кунлиги, иситилмайдиган иссиқхоналарга уруғлар 1 $м^2$ майдонга 6-7 г ҳисобидан ивитилган ҳолда экилади ва устига 2-3 см қалинликда чириган гўнг сепилади.

Бунда тупроқ ҳарорати +14 +16°С дан, ҳаво ҳарорати эса +28 +30°С дан паст бўлмаслиги лозим. Тупроқ намлиги 80 - 85% бўлиши керак.

Кўчатларни олиб ўтказмасдан жойида етиштириш мумкин. Бунинг учун иссиқхоналарни шамоллатиб туриш ва кўчатларни чиниқтириш керак. Шу билан бирга кўчатларини махсус касеталарда ва озиқали тувакчларда хам етиштириш яхши самара беради.

Экиш муддатлари ва экиш схемаси

Ширин қалампир кўчатларини марказий вилоятларда июнинг III-ўн ва июлни I-ўн кунлигида экиш тавсия этилади.

Кўчатларни 70х30 см ёки 70х40/2, 70х50/2 см схемада экилади. Ерни экишдан олдин тайёрлаш, экиш ва парваришлаш жараёнлари амаога оширилади.

Ширин қалампир сернам ва оғир тупроқларда яхши ривожланмайди. Шунинг учун ялпи меваси туга бошлаганда қатор оралатиб иложи борича чуқур ариқлар олиб суғориш зарур. Илдиз бўғзи намланиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ўсимлик илдиз чириш билан касалланади. Ўсув даври мобайнида тупроқ намлиги 70-80% бўлишини таъминлаш учун суторишни ҳар 6-10 кунда олиб бориш керак. Ҳосилни ҳар 6 - 8 кунда териш мумкин.

Ўғитлаш

Бўз тупроқлар. Ширин қалампир етиштиришда суғориладиган бўз тупроқларга гектарига 25 тонна чириган гўнг берилганда тупроққа $N_{250}P_{175}$ K_{125} минерал ўғитлар солиниши тавсия этилади. Бунда азотни аммиак селитраси ёки сульфат аммоний кўринишида, фосфорни аммофос ёки мураккаб фосфор ўғити кўринишида, калийни калий хлор кўринишида бериш тавсия этилади. Ушбу минерал ўғитлар туқда қуйидагича солинади: аммиак селитраси - гектарига 588 кг, аммофос-326 кг, калий хлор - 200 кг.

Агар азот сульфат аммоний кўринишда берилса, у холда мазкур ўғит миқдори гектарига 950 кг бўлиши керак. Ўғитлар қуйидаги муддатларда берилиши лозим. Ҳайдовдан олдин гектарига 20 тонна гўнг, 245 кг аммофос ва 150 кг калий хлор солинади.

Биринчи озиқлантиришда ўсимлик кўчатлари тутиб олгандан сўнг ва тез ўса бошлаган даврда гектарига: аммофос - 81 кг, калий хлор - 50 кг, аммиак селитраси - 294 кг солинади.

Иккинчи озиқлантиришда ўсимликнинг ялпи гуллаш ва мева тугишининг бошланиш даврида гектарига: аммиак селитраси - 294 кг, ёки сульфат аммоний - 475 кг берилади.

Азотли ўғитлар қўллашнинг 50% га камайтириш мақсадида кўк масса берадиган экинларни (сидерат) қўллаш мумкин. Шунингдек, органик ўғит турларидан гектарига: биогумус-10 тонна, вермигум-10 тонна, органик микробиологик ўғит-25 кг ва биоазотни - 2 л бериш самарали ҳисобланади.

Биогумус, вермигум ва органик микробиологик ўғитларни биринчи озиқлантиришда эгатларга минерал ўғитлар билан биргаликда, биоазотни эса суғориш суви билан бериш мумкин.

Ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда гектарига $N_{160}P_{120}$ K_{80} кг солиниши тавсия этилади. Азот аммиак селитра ёки сульфат аммоний, фосфор эса аммофос, калий эса калий хлор кўринишида бериш керак.

Минерал ўғитлар тук холатида қуйидагича солинади: Аммиак селитраси - гектарига 470 кг, аммофос - 261 кг, калий хлор-160 кг. Агар азот сульфат аммоний кўринишда берилса, у ҳолда бу ўғитнинг миқдори гектарига 760 кг бўлади.

Ўғитлар қуйидаги муддатларда берилади:

Ҳайдовдан олдин: аммофос- гектарига 196 кг, калий хлор – 120 кг.

Биринчи озиқлантиришда – кўчатлар тутиб олгандан сўнг улар тез ўса бошлаган даврда: аммофос - гектарига 64,8 кг, калий хлор - 40 кг, аммиак селитраси - 235 кг ёки сульфат аммоний - гектарига 380 кг берилади.

Иккинчи озиқлантиришда ўсимликнинг ялпи гуллаш ва мева тугишининг бошланиш даврида: аммиак селитраси гектарига - 235 кг ёки сульфат аммоний - 380 кг бериш керак.

Экологик тоза маҳсулот олиш ва азот ўғитларни 50% га камайтириш учун кўк масса берадиган экинлар (сидерат) қўллаш мумкин. Шунингдек органик ўғит турларидан биогумус - гектарига 8 тонна, вермигум - 8 тонна, органик микробиологик ўғит - 20 кг, биоазот - 2 л қўллаш самарали ҳисобланади.

Биогумус, вермигум ва органик микробиологик ўғитларни биринчи озиқлантиришда эгатларга минерал ўғитлар билан биргаликда, биоазотни эса суғориш суви билан бериш мумкин.

Шўрхоқ тупроқлар. Турли даражада шўрланган шўрхок тупроқларда тупроқни ювиш ишлари олиб борилгандан сўнг гектарига 25-30 тонна гўнг ва P_{180} K_{120} ўғитларини 75 % солиниб хайдалади.

Шўрланганлик холатига, типи ва даражасига қараб тупроқларга солинадиган минерал ўғитларнинг тукдаги миқдорларига аниқликлар киритилади.

Чунончи, сульфатли шўрланган тупроқларга азотли ўғитни - аммиак селитраси, фосфор ўғити - аммофос, калий ўғити калий хлор кўринишида бериш тавсия этилади.

Хлорли - шўрланган тупроқларда - азотли ўғитлар сульфат аммоний ёки аммиак селитра, фосфорли ўғит - аммофос ёки мураккаб фосфор ўғити кўринишида, калий ўғити - калий нитрат тузларини бериш тавсия этилади.

Ўғитларни қуйидаги муддатда солиш тавсия этилади.

Хайдовдан олдин гектарига 25-30 тонна гўнг, фосфорнинг 75%, калийнинг 75% берилади.

Биринчи озиқлантиришда кўчатлар тутиб олгандан сўнг ва тез ўса бошлаган даврда азотнинг 50%, фосфорни 25%, калийнинг 25% берилади.

Иккинчи озиқлантиришда ўсимликнинг ялпи гуллаш ва мева тугишининг бошланиш даврида қолган азотнинг 50% и берилади:

Азотли ўғитлар қўлланишини 50% га камайтириш мақсадида шўрланган тупроқларда яхши ўсадиган кўк масса берадиган экинлар (сидерат) экиш, гектарига 12 т биогумус, гектарига 12 тонна вермигум, гектарига 30 кг органик микробиологик ўғит, гектарига 2,5 л биоазот ишлатиш мумкин.

Биогумус, вермигум ва органик микробиологик ўғитларни биринчи озиқлантиришда эгатларга минерал ўғитлар билан биргаликда, биоазотни эса суғориш суви билан бериш мумкин.

Тақирсимон тупроқлар. Тақирсимон тупроқларда гумус миқдори паст бўлганлиги боис шўр ювиш ишлари ўтказилганидан сўнг уларни маданийлаштириш лозим. Бундай тупроқлар органик ўғитларга мухтож. Шу муносабат билан шўр ювилганидан сўнг ширин қалампир ўстириш учун мазкур тупроқлар гектарига - 40 тонна гўнг ва $N_{220}P_{165}$ K_{110} солиш тавсия этилади.

Ўғитларни қуйидаги муддатларда солиш тавсия этилади.

Хайдовдан олдин гектарига 25-30 тонна гўнг, фосфорнинг 75%, калийнинг 75% берилади.

Биринчи озиқлантиришда кўчатлар тутиб олгандан сўнг ва тез ўса бошлаган даврда азотнинг 50%, фосфорни 25% , калийнинг 25% берилади.

Иккинчи озиқлантиришда ўсимликнинг ялпи гуллаш ва мева тугишининг бошланиш даврида азотнинг қолган 50% берилади.

Азотли ўғитлар қўлланишини 50% га камайтириш мақсадида шўрланган тупроқларда яхши ўсадиган кўк масса берадиган экинлар (сидерат) экиш, гектарига: 12 тонна биогумус, 12 тонна вермигум, 30 кг органик микробиологик ўғит ёки 2,5 л. биоазот ишлатиш мумкин.

Суғориш

Ширин қалампир ўсимлиги қисқа вақт ичида ўсиб, кўп мева тугади. Илдиз тизими заиф ривожланган бўлиб, 30 см чуқурлигача кира олади. Шунинг учун намга ўта талабчан. Тупроқда нам етишмаса гули тўкилади. Айниқса мева тугиш даврида намга бўлган эхтиёжи ошади.

Мева тугиш давригача муътадил намлик илдиз тизимининг чуқур таралишига ёрдам беради. Бироқ илдиз тизими ва поясининг умумий ривожланиш суръати пасаяди. Тупроқда намнинг етарли булмаслиги барг поялари ривожланишга, мева тугиши тўхтаб қолишига ва мевасининг майдалашиб, хосилнинг камайишига сабаб бўлади.

Мевалар ёппасига етила бошлаган даврида экиннинг сувга талабчанлиги янада ошади, бу пайтда тупроқ намлиги (70-80%) юкори бўлиши зарур.

Иссиқ ва қуруқ иқлим шароитимизда экиладиган ширин қалампир тупроқни тез-тез намиқгирилишини талаб қилади. Бунда ўсимликнинг ривожи тезлашади, гуллар тўкилиши камаяди, мевалари йирик бўлиб, хосилдорлик ошади.

Суғоришлар орасидаги давр ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлигига, тупроқнинг механик таркиби, иқлим шароити, етиштириш усули, ривожлаиши ва бошқа омилларга боғлик.

Ширин қалампир ер ости сувлари чуқур жойлашган буз тупроқли ерларга экилганда гектарига 500-600 $м^3$ ҳисобидан 12-14 марта суғорилади. Ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ ерларга экилганда - 10-11 марта суғорилади. Бундай тупроқларда сув миқдори бир оз оширилиб, гектарига 600-800 $м^3$ ни ташкил қилади.

Кўчат ўтказилгаидан сўнг тутиб кетиши учун сув берилади. Кейин ўсув даврида суғорилиш бошланади. Парваришлаш даврида суғориш бир текис ўтказилади. Қалампир меваси етила бошлашига қадар ер ости сувлари чуқур жойлашган ерларда 10-12 кунда, ёппасига мева тугиб етила бошлаганда эса хар 6-7 кунда суғорилади. Парваришлаш охирида, салқин куз кунлари бошланганда суғоришлар сони камайтирилади.

Парваришлаш

Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилгач 10-12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг

тупроғи юмшатилади.

Биринчи парваришлашдан 12-15 кун ўтгач, иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгач, иккинчи ишловга, культивациялашга киришилади. Культивациядан сўнг чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ ширин қалампир кўчатининг атрофига босилади. Бу ишларни механизация ёрдамида ўтказиш учун ўғитлаш пайтида ариқ очгич ерга чуқур солинади.

Ширин қалампир ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл хосил бериши учун унинг илдизи жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қўйилади.

Ширин қалампир етиштиришда томчилатиб суғориш тизимидан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Ёзнинг иссиқ кунлари соялатувчи сеткалар остида маҳсулот етиштириш яхши, сифатли ҳосил олиш имконини беради, бу қуёш нуридан ўсимлик ва меваларни ҳимоя қилади, тупроқ харорати ва нисбий намлигини мўтадил сақлайди.

Ширин қалампир касалликлари

Ширин қалампир экинларида касалликларни асосан замбуруғлар, бактериялар ва вируслар қўзғатади. Қалампир экинларида асосан қора илдиз чириш, фузариоз, фитофтороз, кладоспориоз, кулранг ва оқ чириш, қора бактериал доғланиш ва тамаки мозаикаси касалликлари зарар етказади.

Қора илдиз чириш касаллиги. Бу касаллик помидор экинларидаги сингари ширин қалампирнинг поясининг пастки қисмини зарарлайди. Касалланган жойи қораяди, чирийди ва қуриб қолади. Кўчат қалин бўлганда, совуқ иқлим ва заҳлатиб суғориш ушбу касалликнинг ривожланишига қулай шароит яратади.

Фузариоз касаллиги. Ширин қалампиринг пастки барглари, кўпинча бир томонидан сарғайиши ва ўсимликлар сўлғин бўлиб қолиши кузатилади. Сўлган барглар қурийди, бироқ тушмасдан, новдаларда осилиб қолади. Новдалар ҳам ўсимликнинг бир томонида сўлиши мумкин, кейинчалик бутун ўсимлик сўлийди.

Илдиз қисмида қора доғлар ривожланади. Зарарланган ўсимликлар сўлишдан олдин заифлашади ва бўйи жуда паст бўлиб қолади, зарарланган қалампир ўсимликларининг илдиз бўғзида пушти моғор кўриниши мумкин.

Кураш чоралари.

Агротехник: алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Биологик кураш сифатида Триходермин препаратини 1гр/кг уруғга қўллаш яхши натижа беради**.**

Профилактик: Уруғларини экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим-0,4л/т, 31,2% Селес Топ-0,4-0,6л/т, 50% Фундозол -2,0кг/т билан дорилаб экиш.

Кимёвий кураш чоралари: Ўсимликларни ривожланиш даврида 20% Квадрис - 0,6л/га, 69% Акробат МЦ- 2,0кг/га, 68% Ридамил Голд -2,5кг/га, Мис купороси-6,0-8,0кг/га, 72% Превикур -1,5л/га, 45% Проксанил-2,0л/га, Курзат Р - 2,5кг/га. фунгицидларни биронтаси билан алмашлаб пуркаш тавсия этилади.

Кладоспориоз ёки баргларни қўнғир доғланиш касаллиги

Касаллик ширин қалампирнинг гуллаш-мева тугиш пайтларида бошланиб баргларини зарарлайди. Унинг биринчи белгилари – пастки барглар устида сариқ ёки оч-яшил доғлар, барглар остида эса (ўша доғларнинг тагида) рангсиз, сарғиш ёки оч-қўнғир доғлар пайдо бўлишидир. Барг остидаги доғлар яшил-қўнғир (ёки кулранг-қўнғир) тусли майин моғор билан қопланади. Касаллик тезда тепа ярус баргларига ўтади. Кучли зарарланган барглар олачипор тус олади ва қурийди.

Касаллик кучли ривожланганида қалампирнинг гул ва мева бандлари, гулкосабарглари ва тугунчалари ҳам зарарланади, улар кейинчалик тўкилиб кетади. Касалликнинг энг кучайган даври мева пишиш пайтига тўғри келади.

Кураш чоралари. Ўсимликларни ўсимликни ривожланиш даврида Ббайлетон, 25% н.кук. (0,5-1,0 кг/га), Топсин-М, 70% н.кук. (1,0 кг/га), Фоликур БТ, 22,5% эм.к. (0,3-0,5 л/га), 1% ли Бордо суюқлиги ёки бошқа фунгицидлар билан пуркаш тавсия қилинади.

Кулранг чириш касаллиги. Касаллик билан асосан қалампир мевалари касалланади. Меванинг ривожланишини ҳамма босқичларида чириш кўринишидаги доғлар ва кулранг ғубор қопланган бўлади. Касалликнинг ривожланиши учун нам ва ёмғирли ҳаво жуда қулай ҳисобланади.

Кураш чоралари.

Кимёвий кураш чоралари. касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлганда фунгицидлардан Энтохлорок 85% н.кук. (1,2-4,0 кг/га), Ридомил голд МЦ 68% с.д.г. (2,5 кг/га) ва Топсин-М, 70% н.кук. (1,0 кг/га) сарф миқдорларида ёки бошқа экинларда юқоридаги касалликларга қарши ишлатишга рухсат этилган фунгицидларни пуркаш тавсия этиш мумкин.

Склеротиниоз (оқ чириш) касаллиги. Қалампир новдалари илдиз бўғзи қисмидан оқ ғуборлар билан қопланади. Замбуруғ ўсимлик поялари ичида ривожланади ва касаллик ривожланган жойда новдалар устида қора доғлар ҳосил бўлади. Касаллик билан зарарланган қалампир поялари юмшайди, сувли

бўлиб қолади ва намлик кўпайганда, вақти вақти билан оқ ғуборлар билан қопланади.

Меваларни юқори қисмидан чириш касаллиги. Касалланган қалампир меваларининг устки қисмида дастлаб қора доғлар пайдо бўлади ва меванинг юқори қисмини зараралайди. Чириш касаллиги меванинг кўп қисмини зараралайди. Касалликнинг ривожланишига сабаб намлик, азотнинг тупроқда кўпайиб кетиши ва кальцийни тупроқда етишмаслиги ҳисобланади.

Кураш чоралари. Суғоришни тўғри ташкил қилиш; азотли ўғитларни меъёридан ортиқ бермаслик; касалланган қалампир меваларини даладан йиғиб олиш ва таркибида кальций моддаси кўп бўлган озиқалар билан озиқлантириш (энтокалкуим, калбит, кальций нитрат ва бошқалар).

Қора бактериал доғланиш касаллиги. Касаллик билан ўсимликнинг ҳамма аъзолари зараланади. Дастлаб баргларда майда доғлар пайдо бўлади, ва улар кун айин катталашиб қора рангга киради, барг четалари эса сарғаяди. Меваларда ғадур будир доғлар пайдо бўлади, тўқималари атрофи эса сувли бўлиб қолади ва яралар ҳосил қилади. Касалланган ўсимлик қурийди. Касалликни олдини олиш учун алмашлаб экиш, уруғликни экишдан олдин уруғдорилагичлар билан дорилаш тавсия этилади.

Ширин қалампир зараркунандалари

Полиз шираси. Тенг қанотлилар (*Homoptera*) туркумининг *Aphidinea* кенжа туркумига мансуб. Сабзавот экинига ширалардан бир неча тури зарар етказади. Булар орасида беда ёки акация шираси, ғўза ёки полиз **шираси қалампирнинг ашаддий зараркунандаларидан биридир.** Ширалар барг ҳужайралари ширасини сўради, бунинг оқибатида поя ва илдизлардаги углеводлар миқдори кескин камайиб кетади. Қаттиқ зарарланган баргларнинг шакли ўзгаради ва буралиб қолади. Мавсум давомида зараркунанда 20-26 та, авлод беради, 150 тагача личинка туғади.

Кураш чоралари:

Агротехник: алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Биологик*:* Олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зараркунанда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатда чиқариш.

Кимёвий усул*:* *(ацетамиприд)* моспилан 20% н.кук, камилот 20% н.кук. нестор 20%н.кук– 0,15 л/га;(*малатион*) карбофос 57% эм.к. фуфанон – -1,2 л/га. препаратларни биронтаси билан ишлов бериш тавсия этилади. Кимёвий ишлов берилган далаларга 2-3 кун ўтказиб ўсимликни стресдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш учун таркибида гумин, фульво, гибберелл ва

озиқа моддалар комплекси (N,P,K), микроэлементлар таркибида бор ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларн биронтаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Трипслар. Ҳошия қанотлилар ёки трипслар (*Thysanoptera*) туркумига, тухум қўйгичлилар (*Terebrantia*) кенжа туркумига, *Thripidae* оиласига мансуб.

Тамаки трипси – *Thrips tabaci* Lind.У қалампир, тамаки, пиёз, карам, кўкат ва гулларга кучли шикаст етказади. Трипс қалампир майсаларининг ёш барглари ва ўсув нуқталарига жойлашиб олади ва санчиб-сўриб шикастлайди. Зарарланган баргларнинг остки томони ўзига хос равишда кумушсимон ялтираб қолади, шикастланган куртаклардан эса бужмайган барглар ёзилади. Ўсув нуқтаси ўлгач ўсимликнинг ривожланиши издан чиқади, баъзан ёш ўсимлик нобуд бўлади.

Тамаки трипси майда ҳашарот, унинг бўйи 0,8-0,9 мм келади. Танаси чўзиқ, урғочисида узун, йирик, аррали тухум қўйгичи мавжуд. Етук ҳашаротнинг икки жуфт (чеккалари ҳошияли) тор қанотлари бор. Оғиз аппарати санчиб-сўришга мослашган.

Қарши курашиш: далани ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, кузда шудгорлаш, қишлаб қолувчи личинкалар сонини камайтиришдан иборат. Баҳорда ширин қалампирда зарарлаётганлиги кузатилиши билан уларга қарши *(ацетамиприд)* моспилан 20% н.кук, камилот 20% н.кук. нестор 20%н.кук., 0,15 л/га; (*малатион*) карбофос 57% эм.к. фуфанон – -1,2 л/га. (*абамектин*) вертимек 1,8% эм.к., препаратларни биронтаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Оққанотлар. Тенг қанотли ҳашаротлар (*Homoptera*) туркумининг оққанотлар (*Aleyrodidae*) оиласига. Бу экинларни ҳар иккала кенг тарқалган турлар: иссиқхона ва ғўза (тамаки) оққанотлари шикастлаши мумкин. Оққанотнинг зарари ҳам ўсимлик ривожининг қайси фазасидан бошлаб уни зарарлай бошлаганига боғлиқ бўлади. Яъни, ўсимлик қанчалик эрта зарарланса, шунча кўп ҳосилни йўқотиши мумкин. Оққанотлар йил мобайнида тўхтовсиз ривожланишга одатланган ҳашарот бўлгани туфайли, бир йилда 10-12 та авлод қолдиради.

Кураш чоралари.

Агротехник: Алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик.

Механик: Оққанот сонини камайтириш мақсадида сариқ экранлардан фойдаланиш.

Биологик: Энкарзия паразитини 1:20, 1:10, 1:5 нисбатда қўллаш.

Кимёвий: Агарда оққанотларнинг миқдори кўп бўлганда қуйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: (Бупрофезин) (аппловуд, саффлауд апплауд 25% н.кук. – 0,5 кг/га; (пирипроксифен) адмирал 10% эм.к. – 0,5 л/га;(ацетамиприд) комилот, нестер, энтоспилан, моспилан 20% н.к. –0,3 кг/га; (имидаклоприд) багира, вулкан, командор, конфидор 20% эм.к. – 0,3–0,4 л/га; препаратларни бронтаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

Ўргимчаккана. Ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.) ўргимчаксимонлилар (*Arachnoidea*) синфига, Acariphormes туркумига, ўргимчакканалар (*Tetranychidae*) оиласига мансуб.

Ўргимчаккана жуда майда бўғимоёқли жониворлар бўлиб уни оддий кўз билан зўрға кўриш мумкин. Танаси овал шаклда, бўйи 0,3-0,6 мм га боради. Унинг баҳор-ёздаги авлоди кўкиш-сариқ, қишлаб чиқадиганлари эса тўқ сариқ-қизил бўлади. Танасининг ён томонларидаги иккита қорамтир доғлари яққол кўриниб туради.

Урғочиси ривожланишида тухум, личинка, пронимфа, дейтонимфа ва етуклик (имаго) даврларини кечиради. Кана баргларининг орқа томонига жойлашиб унга шикаст етказади, ўсимлик қаттиқ зарарланиши натижасида барглари тўкилиб кейинчалик қуриб қолиш холати кузатилади. Ўргимчаккана ўсимликнинг ўсув давринининг бошланғич даврида зарарлаганда ҳосилдорлик 50 % гача нобуд бўлиши мумкин. Каналар хаво хароратига қараб битта авлодининг ривожланиши баҳор ойларида 19 кун, ёзда 8-12 кунгача давом этади. Бир йилда 12-20 марта авлод беради. Урғочи зотлари 100-160 тагача тухум қуйиб, 10-15 кун яшайди. Урғочи каналар ўсимлик қолдиқларида якка-якка ҳолда ёки тўп-тўп бўлиб қишлайди.

Кимёвий кураш чоралари; *Таъсир этувчи моддаси пропаргит (олтин водий, узмайт энтомайт,* омайт, 57% к.эм. – 1,5 л/га) бромопропилат (митрон неорон, 50% эм.к. – 1,0-1,2 л/га) абамектин (вертимек, акаринсект, алгамек, торпедо голмектин, даламектин), 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га гекситиазокс (хексорум, ниссоран 5% -0.6 л/га, ниссоран, элтосоран, тетросан 10%- 0.3 л/га, сарф миқдорида қўллаш тавсия этилади.

Кузги тунлам. Илдиз кемирувчи тунламлар– кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff), ундов тунлами (*A. exlamationis* Den. et Schiff.) ва бошқалар.

Бир йилда 2-5 бўғин берувчи бу зараркунандалар калампир, экинларни зараралайди. Кузги тунлам Марказий Осиё шароитида иссиқхоналардан бошлаб, эрта баҳорда эртаги экинлар, август-сентябр ойларида эса кечки экинларни зараралайди. Айрим йиллари илдиз кемирувчи тунламлар зарари оқибатида

ҳосилдорлик 7-12% га камаяди.

Кураш чоралари. Кузги шудгор ва ўсимликни ўсув даврида юқори агротехника ишларини амалга ошириш.

Биологик кураш, кузги тунламининг жинсий феромонидан фойдаланиб, ҳар бир пайкалда унинг ривожланиш даражасини белгилаб трихограмма кушандаси тарқатилади.

Киёвий кураш, сабзавот экинлари ҳар бир $м^2$ да 1-2 та ортиқ кузги тунлам личинкаси аниқланганда амалга оширилади. Бунинг учун пиретироид инсектицидлар, айниқса децис (0,7 л/га) трактор ёрдамида пуркаб, кетидан культивация ўтказиш ёки сув бериш яхши натижа беради. Иссиқхоналарда кўчат остига тайёр эритмани 100-150 мл қуйиб чиқиш зарур

Колорадо қўнғизи - *Leptinotarsa decemlineata Say.* Колорадо қўнғизи ёввойи итузумсимон ўсимликлар билан озиқланади. Личинкани катталиги одатда 0,9 смгача боради, баъзан 1 смдан ошади, Личинкалари 15-25 кунда ривожланиб, шу даврда 3 марта туллайди. Озиқланишни тамомлаган личинкалар ўсимликлардан ерга тушиб, тупроқ орасига киради, 1,5 смдан 18 смгача чуқурликда уя ясаб, шунинг ичида ғумбакка айланади. Ҳозирги вақтда колорадо қўнғизи тарқалган жойларнинг ҳар хил иқлим шароитида бу ҳашарот бир мавсумда биттадан тўрттагача авлод беради.

Кураш чоралари.

Агротехник: Алмашлаб экиш, қўнғиз миқдори кам бўлганда қўл кучи билан териб йўқотиш.

Кимёвий кураш: ўсимликни ривожланиш даврида (Ацетамиприд) Моспилан, протектор, нестор, 20% н.кук. – 0,02-0,03 л/га, (Дельтометрин) делцис 2,5%, децис 2,5%-0,15л/га, тадж 10%, децис 10%-0,035л/га, (имидоаклоприд) конфидор, багира, когинор, компрадор, 20% к.э. – 0,05 л/га; (хлорантранилипрол) кораген, 20% сус.к. – 0,04 -0,05 л/га препаратлардан бири билан сувда яхшилаб аралаштириб пуркаш, такрорий ишлов зарур бўлса, препаратни алмашлаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғиб олиш

Ширин қалампир, одатда, гуллагандан кейин 35-45 кунда техник етилади, техник етилгандан сўнг 23-25 кун ичида биологик пишиб етилади. Меваларнинг нормал йириклигида ва яшил рангда бўлиши унинг техник жихатдан етилиш белгисидир. Бу даврда у хушбуй хид ва узига хос чучук мазага эга булади.

Таом тайёрлаш учун тўла пишган (қип-қизил) мевалари хам ишлатилади. Бу даврда мевасининг мазаси нордон-ширин бўлиб, пусти бир оз дағаллашиб қолади. Етилган мевалар хар 5-7 кунда териб турилса, тугунчалари кам тўкилиб, ҳосилдорлик

ошади.

Ширин қалампир мевалари банди билан узиб олинади, меваларини узоқ сақлаб бўлмайди, терилгандан сўнг тезда истеъмолчига етказилади.